

билан Т.А. Будей Ижроия органи аъзоси этиб тайинланди. Ўз фаолияти давомида Комбинат томонидан амалга оширилган лойиҳалар ва ишларда фаол иштирок этди. Унинг фаолияти давомида Комбинатнинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосланган ҳисоботи аудитдан ўтказилди, Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги томонидан эмитентнинг узок муддатли кредит рейтинги суверен даражада тасдиқланишига эришилди.

2025 йил 3 мартда Т.А. Будей билан томонлар келишувига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Шу муносабат билан, Т.А. Будей билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли унинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш таклифи берилди.

Масала овозга қўйилди:

Овоз бериш натижалари: “**ёқлаб**” – 8 та овоз, “**қарши**” – йўқ, “**бетараф**” – йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича Кузатув кенгаши қарор қилади:

1. “Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органи аъзоси Т.А. Будей билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатилсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича

Н.С. Плескачевская сўзини давом эттирган ҳолда қуйидагилар ҳақида маълумот берди.

Комбинат Уставининг 81-бандида Комбинат кундалик фаолиятига раҳбарлик қилувчи Комбинат Ижроия органи аъзоларининг сони 9 кишидан иборат этиб белгиланган.

Комбинат Ижроия органи аъзоси Т.А. Будейнинг ваколати муддатидан илгари тугатилганлиги боис бугунги кунда Ижроия органида 6 аъзо фаолият юритмоқда.

Комбинат кундалик фаолиятини барча масалалар бўйича самарали бошқаришни йўлга қўйиш мақсадида, Комбинат Ижроия органига Бошқарув раисининг ўринбосари – Тижорат директори И.В. Петренко, Ходимлар ва ташкилий ривожланиш дирекцияси директори Н.С. Плескачевская, Техник директор Ш.А. Сайдуллаев ва Ахборот технологиялари дирекцияси директори А.А. Худояров номзодларини тайинлаш, шунингдек, Комбинат Ижроия органи аъзоси сифатида фаолият юритиб келаётган ЭПЭЦ ишлаб чиқариш қувватини ошириш бўйича лойиҳа офиси раҳбари Н.О. Умеров ва Корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи Ш.У. Абдурахманованинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини маъқуллаш таклиф этилди.

Масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: “**ёқлаб**” – 8 та “**қарши**” – йўқ, “**бетараф**” – йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши қарор қилади:

